Ўзбекистон Республикаси
Халқ депутатлари
Хоразм вилоят Кенгаши
К А Р О Р И

O`zbekiston Respublikasi
Xalq deputatlari
Xorazm viloyat Kengashi
Q A R O R I

«26» декабрь 2018 yil Урганч ш.

№ 40-I70

Хоразм вилояти маҳаллий бюджетининг 2019 йилги асосий параметрлари тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги *(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)* Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон*) 99-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4086 сонли Қарорига асосан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4086 сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Хоразм вилояти маҳаллий бюджети 2019 йил асосий кўрсаткичларининг даромадлар қисми 1 232 178 228 (бир триллион икки юз ўттиз икки миллиард бир юз етмиш саккиз миллион икки юз йигирма саккиз) минг сўм ва вилоят маҳаллий бюджетига республика бюджетидан ижтимоий соҳа учун трансфертлар 884 181 827 (саккиз юз саксан тўрт миллиард бир юз саксан бир миллион саккиз юз йигирма етти) минг сўм миқдорида 1-иловага мувофиқ ҳамда харажатлар қисми 2 116 360 055 (икки триллион бир юз ўн олти миллиард уч юз олтмиш миллион эллик беш) минг сўм миқдорида 2-иловага мувофиқ белгиланганлиги маъқуллансин.

3. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари К.Игамберганов, вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Х. Абдукаримов) ва вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси (Т.Бабаджанов) билан биргаликда вилоят маҳаллий бюджети даромадлар қисмини солиқ турлари бўйича белгиланган режаларини ошириб бажаришни таъминласин.

4. Вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси (Т.Бабаджанов)га:

вилоят маҳаллий бюджетининг 2019 йил давомида маҳаллий бюджет харажатларини мақбуллаштириш натижасида шаклланадиган қўшимча манбалар ҳисобидан вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур ўзгаришлар киритиб бориш;

бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан маблағ билан таъминланиш асослари мавжудлигини мунтазам таҳлил қилиб бориш ҳамда бюджет маблағларидан сақланиш асослари мавжуд бўлмаган ҳамда ажратилган бюджет маблағларининг натижадорлигига эришилмаётган бюджет муассасаларини қисқартириш юзасидан вилоят ҳокимлигига ва тегишли вилоят бошқармаларига мунтазам равишда таклиф киритиш;

вилоят маҳаллий бюджетининг 2019 йил даромадлари ва харажатларини Урганч ва Хива шаҳарлар ҳамда туманлар бўйича ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқлаш учун вилоят ҳокимлигига тақдим қилиш;

вилоят маҳаллий бюджетининг чораклар бўйича тақсимланишини тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин ҳамда йилнинг ҳар чораги бўйича мўлжаллаб қўйилган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилиши ҳамда маҳаллий бюджет ижроси таҳлили натижалари асосида маҳаллий бюджетнинг кўрсаткичларига заруриятга қараб аниқлик киритиб бориш;

халқ депутатлари вилоят Кенгашига маҳаллий бюджетнинг ижроси тўғрисида ҳар чоракда ахборот бериб бориш вазифаси юклатилсин;

5. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда бюджет даромадларининг тасдиқланган кўрсаткичлари бажарилишини таъминласинлар, минтақаларнинг солиқ солиш базаси кенгайтирилиши ва молиявий салоҳияти мустахкамланиши юзасидан зарурий чора-тадбирлар кўрсинлар, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

6. Мазкур қарор Хоразм вилояти ҳокимлигининг расмий нашри ҳисобланган “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталарида эълон қилинган кундан кучга киради.

7. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Вилоят компьютерлаштириш маркази” ДУК (Ж.Мавлонов) мазкур қарорни вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари К.Игамберганов ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ш.Сафарбаев) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Хоразм вилояти
Кенгаши раиси, вилоят ҳокими **Ф.Эрманов**

